## Олий Мажлис Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси олдидан



***Юқори палатанинг навбатдаги ўн бешинчи ялпи мажлисида сенаторлар яна бир муҳим ҳужжатни — “Музейлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишади. Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Илҳом ОТАБОЕВ мухбиримиз билан мазкур ҳужжатнинг қабул қилинишига туртки берган омиллар, унинг мазмун-моҳияти хусусида суҳбатлашди.***

# МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

— Музейлар мамлакат ўтмишини, шонли даврларини, бугунги ютуқларини ўзида мужассам этадиган бебаҳо маданият ўчоғи, — дейди сенатор. — Шу маънода жамоатчилик ушбу “тарих кўзгуси”га ўзгача эътибор, меҳр билан қарайди. Истиқлол йилларида миллий музейларимизни осори-атиқалар билан бойитиш, уларнинг халқимиз ва хорижлик меҳмонлар учун аҳамиятини юксалтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунончи, дунё фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган алломаларимиз, саркардаларимизнинг, Самарқанд, Хива, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Марғилон сингари шаҳарларимизнинг сана тўйларини нишонладик. Тегишли дастурлар асосида кўплаб тарихий ёдгорликларимиз таъмирланди — омма эътиборига ҳавола этилди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, музейлар мавқеини юксалтирди.

Шуни айтиш жоизки, бугун мамлакатимизда 1200 дан зиёд музей муассасалари бор. Уларнинг ёш авлод маънавий тарбиясига таъсирини кенгайтириш, музейлар имконияти, салоҳиятини ўрганиш, дунёга кўрсатиш Истиқлол йилларида бажарилган ишларнинг мағзини ташкил этди. Соҳага кўплаб қонун ҳужжатлари татбиқ этилди. Бироқ шуниси ҳам борки, ана шу ҳужжатларнинг аксарияти музей ашёларига дахлдордир. Музейлар фаолиятини тўғридан-тўғри тартибга соладиган ҳужжат йўқ эди. Шу боис ҳам, парламентимиз қуйи палатаси депутатлари томонидан “Музейлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ишлаб чиқилди.

**— “Миллий музей фонди” деганда қандай маданий мерослар тушунилади? Умуман, музей соҳасида ваколатлар қайси идораларга таалуқли?**

— “Музейлар тўғрисида” деган ном билан 2008 йил 26 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган мазкур Қонун саккиз боб ва ўттиз олтита моддадан иборат. Унинг 1-бобида “Миллий музей фонди”, “Миллий музей фондининг давлат каталоги”, “музей”, “музей ашёси”, “музей коллекцияси”, “сақлаш”, “эълон қилиш” каби тушунчалар ёритиб берилган. Хусусан, “Миллий музей фонди” деганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий турган жамики музей ашёлари ва музей коллекциялари тушунилиши қайд этилган.

“Музейларни бошқариш” деб номланган 2-бобда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг музейларни бошқариш соҳасидаги ваколатлари белгиланмоқда. Масалан, Вазирлар Маҳкамаси музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, такомиллаштириш юзасидан дастурлар ва қарорлар қабул қилади, музейларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини, давлат музейларининг тоифаларини, Миллий музей фондининг ҳолати устидан давлат назоратини амалга ошириш тартибини йўлга қўяди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Миллий музей фондининг давлат каталогини юритади, музей ашёлари ва коллекцияларини унинг таркибига киритади ҳамда чиқаради. Қонунга мувофиқ, Миллий музей фонди таркибига киритилган ва музейларда турган ашёлар ва коллекцияларининг бут сақланишини таъминлаш, давлат музейларини молиялаштириш миқдорини белгилаш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига юклатилмоқда.

“Миллий музей фонди” деб номланган 3-бобда Миллий музей фондининг таркиби (давлатга тегишли қисм ва тегишли бўлмаган қисм), музей ашёлари ва коллекцияларини Миллий музей фонди таркибига киритиш ҳамда чиқариш тартиби, унинг давлат каталогини юритиш, музей ашёларини, коллекцияларини Ўзбекистон Республикасидан вақтинча олиб чиқиш тартиблари тўғрисидаги, шунингдек, уларнинг фуқаролик муомаласи хусусиятлари ҳақидаги қоидалар баён этилган.

**— Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми нималардан иборат?**

— Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ, Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми таркибига давлат мулки бўлган музей ашёлари ва коллекциялари, музейлар, муассислар маблағлари, шунингдек, ўз маблағлари ёхуд бошқа маблағлар ҳисобидан сотиб олинадиган ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа усул билан йиғиладиган музей ашёлари ва коллекциялари киради.

Айтиш жоизки, бундай музей ашёлари ва коллекциялари давлат тасарруфидан чиқарилиши мумкин эмас. Уларнинг йўқолиши, емирилиши ёки бошқа музей ашёлари ва коллекцияларига айирбошланиши ҳоллари бундан мустасно. Уларни тасарруфдан чиқариш ҳақидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан қабул қилинади.

**— Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми-чи? У қандай шакллантирилади?**

— Фонднинг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига хусусий мулк бўлган музей ашёлари ва коллекциялари киради. Қонуннинг бешинчи бобида музей ашёлари ва коллекцияларини давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритиш ва чиқариш тартиби, шунингдек, уларнинг ҳолати устидан давлат назоратини амалга ошириш ҳақидаги моддалар мавжуд. Давлатга тегишли бўлмаган музей ашёлари ва коллекциялари билан боғлиқ олди-сотди ёки ҳадя битимларини тузиш, шунингдек, уларни мерос қилиб олиш масалаларига ҳам мазкур Қонунда алоҳида модда бағишланган.

Ҳужжатда музейларни ташкил этиш мақсадлари сифатида музей ашёлари ва коллекцияларини сақлаш, аниқлаш, тўплаш, маданий, маърифий ва таълим фаолиятини амалга ошириш, ўрганиш ҳамда уларни эълон қилиш эканлиги белгилаб қўйилган. Музейларни бошқа мақсадлар учун ташкил этишга йўл қўйилмайди. Мулк шаклига кўра, давлат ва нодавлат музейлари ташкил этилади. Давлат музейлари аҳамиятига қараб тоифаларга ажратилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, биз сўз юритаётган ҳужжат Миллий музей фондини шакллантириш, сақлаш, ундан фойдаланиш каби муносабатларни қонун йўли билан тартибга солади. Ўз навбатида, музейлар фаолиятининг такомиллашувига, экспонатлари бойишига замин яратади.

**Қ. ХИДИРОВ**
**суҳбатлашди.**

# БИЛИМ ВА МАЪНАВИЯТ ЎЧОҒИ

(Давоми. Боши 1-бетда).



унинг минтақада таълим, илм-фан ва маънавиятни ривожлантириш, инсоният цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз анъаналарини давом эттиришда катта ўрин тутганидан далолат беради. Ушбу дорилфунундан бугунги кунда янги илмий мактабларни яратган, бутун дунёга машҳур олимлар етишиб чиққан. Унинг битирувчилари орасида давлат арбоблари ва академиклар, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, халқ шоирлари ва ёзувчилари бор. Университет ташкил этилганидан буён унда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатларининг юзлаб вакиллари олий маълумот олди.

Бугунги кунда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети нафақат мамлакатимиздаги йирик олий ўқув юрти, балки етакчи илмий марказлардан биридир. Университетда янги давлат таълим стандартлари, илғор педагогик технологиялар ишлаб чиқилиб, жорий этилмоқда, давр талабларига жавоб берадиган дарсликлар яратилмоқда. Таълим сифатини оширишга қаратилган катта илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда ва уларда талабалар ҳам фаол иштирок этмоқда. Талабалар амалиёт ўтаётган кўплаб илмий муассасалар, йирик корхоналар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилган.

Айни пайтда университет таркибига 13 факультет, 95 кафедра, 16 илмий лаборатория, 2 институт, ўқув-илмий ботаника маркази ва 3 ўқув-амалиёт маркази киради. Шунингдек, университет катта ижтимоий инфратузилмага эга. Бундан ташқари, Маданият саройи, 6 спорт мажмуи, қулай ва шинам талабалар тураржойлари, даволаш-соғломлаштириш муассасалари ҳам фаолият кўрсатади.

Анжуманда сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Миллий университетини ривожлантириш, талабаларнинг билим олиш ва яшаш шароитларини яхшилашга доимий эътибор қаратаётганини таъкидлади. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йил 9 апрелда қабул қилинган қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда кучли омил бўлмоқда. Мазкур қарор ижроси доирасида олий ўқув юртининг илмий ва таълим базаси янада ривожланди, университет жойлашган «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси янада ободонлаштирилди.

Бугун Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети дунёнинг кўплаб университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Ўқитувчи ва талабалар алмашиш мунтазам йўлга қўйилган, ҳамкорликда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу сабабли анжуманда кўплаб хорижлик меҳмонлар — таниқли олимлар, олий ўқув юртлари раҳбарлари иштирок этмоқда.

— Ўзбекистон Миллий университетининг кўплаб мамлакатлардаги битирувчилари, жумладан, Озарбойжонда ҳам унинг дипломини олганидан доимо фахрланади, — деди Боку давлат университетининг биринчи проректори Исмоил Алиев. — Олий ўқув юртларимиз ўртасида илм-фан ва таълим соҳасидаги алоқалар теран илдизга эга ва бундай самарали ҳамкорлик янада ривожланишига ишончимиз комил.

Анжуманда Вестфаль университетининг Германистика институти профессори Томас Томасек (Германия), Питтсбург давлат университети профессори Чоонг Ли (АҚШ), Варшава университети профессори Богуслав Вилкомирски (Польша) Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда амалга оширилаётган кўплаб лойиҳалар ҳақида гапирдилар.

Тадбирда сўзга чиққан Токио қишлоқ хўжалиги университети профессори Йошико Кавабата Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар асосини ташкил қиладиган янгича қараш, янги концепция ва ёндашувлар рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашга ёрдам беришини таъкидлади. Ўтган йил май ойида Япония ва Ўзбекистоннинг мазкур олий ўқув юртлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланган бўлиб, энди улар қардош университетлар ҳисобланади. Бу эса тўғридан-тўғри ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш имконини беради.

Жорий йилнинг майида эса Москва давлат юридик академияси билан ҳам ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилди.

Анжуман иштирокчилари секция йиғилишларидаги маърузаларида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети мамлакатимизда таълим ва илм-фан, иқтисодиётнинг барча жабҳалари учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни ўзида ёрқин акс эттирадиган том маънодаги билим ва маънавият ўчоғи эканини қайд этдилар. Зеро, бу ерда янгича дунёқарашга эга, юксак маънавиятли, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбияланган, фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватан келажаги учун ўз масъулиятини теран англайдиган йигит-қизлар камол топмоқда.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов сўзга чиқди.

**ЎзА.**

### Яхши хабарлар

*Мустақиллик йилларида Учқудуқ тумани ва шаҳри тубдан ўзгариб, 34 та ижтимоий аҳамиятга молик бинолар бунёд этилди. Яна иккита замонавий коллеж ва 2 та кўркам мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди.*

## Яшнаётган Учқудуқ

Шунингдек, ёшлар ижодий уйи, спорт ва соғломлаштириш мажмуаси, поликлиника, шифохона бинолари қад ростлади. «Замондош» маданият саройи тубдан қайта реконструкция қилинди. Ўндан зиёд кичик новвойхона ва қандолат цехлари эл дастурхонини безамоқда. 36 номдаги сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхона қуввати оширилди.

Шаҳар бозори реконструкция қилиниб, кўплаб савдо дўконлари қурилди. Қизилқумдаги бундай бунёдкорлик ишларининг барчаси истиқлол шарофатидандир.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Тракторлар газда юради

*Маълумки, енгил автомашиналарни ёнилғининг арзон ва қулай тури — газда юриши тобора оммалашиб бормоқда.*

Энди бу усулни қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган техника воситаларида ҳам қўллаш мумкин. Буни Фарғонадаги «Олтин водий газсервис» унитар корхонаси мутахассислари амалда исботлашди.

Хусусий тадбиркор Шерзод Усмонов етакчилик қилаётган жамоа томонидан айни кунларда Ўзбекистон, Охунбобоев, Ёзёвон туманларида тракторларни газ билан таъминлайдиган шохобчалар бунёд этилмоқда.

Тошлоқ тумани фермерлари эса ушбу усулдан фойдалана бошлашди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Янги коллежлар — қишлоқ ёшларига

*Жиззах туманидаги ижтимоий-иқтисодий ва банк коллежини бунёд этиш учун давлат бюджетидан 1 миллиард 794,1 миллион сўм маблағ сарфланди. Мазкур билим маскани 645 ўринга эга.*

Янги қад ростлаган Пахтакор туманидаги иқтисодиёт, Зомин туманидаги компьютер технологиялари ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежлари ҳам янги ўқув йилидан фаолият кўрсата бошлайди.

**Турсунбой КАМОЛОВ.**

# ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД МАҲАЛЛАЛАРИ



***Юртимизда минг йиллик тарихга эга маҳаллалар мавжуд. Аммо маҳалла истиқлол йилларида бор бўйи билан юзага чиқди, ўзини ўзи бошқаришнинг алоҳида институти сифатида шаклланди. Улар билан боғлиқ миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз яна ўзлигига қайтди. Шанба куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Маҳаллалар кунига бағишлаб ўтказилган сайилда бу ҳаётий ҳақиқат бот-бот таъкидланди.***

### Байрам шукуҳи

Дарвоқе, мустақиллик туфайли юртимиз маҳаллалари меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва бағрикенглик, энг муҳими эса, ёшларнинг тарбия маскани сифатида нафақат ҳамюртларимизнинг, балки хорижликларнинг ҳам эътирофига сазовор бўлиб келмоқда.

Бундан ташқари, маҳалла институтининг хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, касаначиликка кенг йўл очиш, ёшлар спортини ривожлантириш ҳамда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги аҳамияти кундан кунга ошиб бораётир.

Яна бир муҳим жиҳат: ҳар бир қишлоқ ва шаҳарда фуқаролар йиғинлари — маҳаллалар фаолият кўрсатмоқда. Бир сўз билан айтганда, маҳалла кириб бормаган гўша йўқ. Тасаввур қилинг, маҳаллаларимизда қанчадан-қанча ободончилик ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бу эса Ватанимизнинг янада обод ва қудратли бўлишида сезиларли ўрин тутмоқда, десак сира муболаға бўлмайди.

Мамлакатимиз Президентининг жорий йил 2 апрелида қабул қилган “Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қароридан кейин Тошкент шаҳридаги тарихий обидалар ва ёдгорликларни асраб-авайлаш ва уларни кенг тарғиб этишда маҳаллалар иштирокини кучайтиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бу ҳам маҳалла нуфузининг нечоғли ошганига яна бир далилдир.

Тадбир якунида мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб пойтахт маҳаллалари ўртасида ўтказилган кўрик-танлов натижалари эълон қилиниб, ўнга яқин номинация бўйича ғолиб маҳаллалар номи аниқланди. Табиийки, энг обод, энг ораста, ишни яхши ташкил қилган маҳаллалар ғолиб бўлди. Зеро, озод юртга обод маҳаллалар ярашади.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

### Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?



***Қўнғирот сода заводи ишга туширилиши муносабати билан бўлиб ўтган йиғилишда иштирок этганимда қалбим чексиз қувончга тўлган эди. Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу гигант мажмуа менинг юртимда қурилгани, эндиликда шу юртнинг минглаб ёшлари доимий иш билан таъминлангани, бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўплаб хориж давлатларига экспорт қилинаётгани кўксимизни тоғдек юксалтиради.***

# ЭНГ БЕБАҲО НЕЪМАТ

Бу йил Қорақалпоғистонда бўлиб ўтган “Баркамол авлод-2008” спорт ўйинлари пайтида ҳам қалбимни ана шундай ҳис-ҳаяжон чулғаган эди. Қаранг, мана шу тадбир сабабли Орол бўйида қанчадан-қанча янги қурилишлар, спорт иншоотлари фойдаланишга топширилди. Эндиликда бу иншоотларда ўзимизнинг фарзандларимиз чиниқади, Ватан учун кўксини қалқон қиладиган спортчи бўлиб етишади. Мана шундай кезларда юрагим шукронага тўлиб, яна бир карра имон келтираман: Юртбошимизнинг оталарча ғамхўрлиги, узоқни кўзлаган доно сиёсати туфайли мана шундай оламшумул ўзгаришлар юз бермоқда Ватанимизда.

Истиқлол шарофати билан равон йўллар, кўприклар бунёд бўлмоқда. Шу биргина Нукус шаҳримизнинг ўзини кейинги тўрбеш йил ичида бўлмаган киши келиб кўрса, танимаслиги аниқ.

Ўзим меҳнат қилаётган тиббиёт соҳасидаги ютуқлардан ҳам кўринадики, мамлакатимизда халқ манфаати, инсон саломатлиги ҳамма нарсадан устун. Шаҳар шифохоналаридаги мавжуд замонавий тиббий асбоб-ускуналар қишлоқ шифокорлик пунктларига, овул амбулаторияларига ҳам ўрнатилди. Маълумотларга кўра, мазкур муассасалар “Саломатлик-1-2” махсус лойиҳалари асосида 1 миллиард 800 миллион сўмлик замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган.

Яна бир жиҳатни таъкидлаб ўтишни жуда-жуда хоҳлардим. Мустақиллик йилларида халқимиз тинчликда, эсон-омонликда умргузаронлик қилмоқда. Айни замонда бундан ортиқ бахт борми? Телевизорда ўзга юртларда бўлаётган қирғинбаротларни кўриб, тинчликнинг қадрини янада теран англаймиз. Осойишталикда, хотиржам шароитда хизматимизга бориб, уйимиздан кириб-чиқиб юрибмиз.

Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ишлар самараси буларнинг бари!

Шундан кўзимиз меҳр ва нурга, қалбимиз шукронага тўлуғ!

**Онесия СЕЙИТОВА,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони.**

## Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн етти йиллигига бағишлаб ўтказилган «Энг улуғ, энг азиз» республика кўрик-танлови ҒОЛИБЛАРИ

***1. Ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари бўйича:***

**1-ўрин:**

**Салим Ашур** — шоир — “Она тилим” шеърий китоби учун

**2-ўрин:**

**Энахон Сиддиқова** — ёзувчи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими масъул котиби — “Тиббиёт фидойилари” — замондошлар ҳақидаги очерклар ва ҳикоялар китоби учун

**3-ўрин:**

**Менглибой Муродов** — ёзувчи (Навоий вилояти) — “Гуноҳ” романи учун

***Рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари:***

1. **Илҳом Зойир** — Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи бўлими мудири — “Ҳолва емаган бола” қиссаси учун

2. **Исмоил Тўхтамишев** — шоир (Қашқадарё вилояти) — “Шонли таянч” шеърий тўплами учун

***2. Босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари бўйича:***

**1-ўрин:**

**Ҳулкар Тўйманова** — “Маърифат” газетаси бўлими муҳаррири — Маънавият мавзусида тайёрлаган “Қалб риштаси” мавзуидаги туркум мақолалари учун

**2-ўрин:**

**Ўроз Ҳайдаров** — “Посбон” газетаси бош муҳаррири (Қашқадарё вилояти) — Истиқлол йилларида ички ишлар тизимида амалга оширилган ислоҳотлар ҳақидаги материаллари учун

**3-ўрин:**

**Эрпўлат Бахт** — “Хоразм ёшлари” газетаси муҳаррири — “Ёшлар йили” Давлат дастури ижросига бағишланган мақолалари учун

***Рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари:***

1. **Александра Спиридонова** — “Молодежь Узбекистана” газетаси мухбири — Ёшлар ҳаётига бағишланган материаллари учун

2. **Аҳмадали Шерназаров** — “Сирдарё ҳақиқати” газетасининг бўлим мудири — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб тайёрлаган “Ўзбекистон бўйлаб” мавзуидаги туркум мақолалари учун

***3. Телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари бўйича:***

**1-ўрин:**

**Шухрат Иброҳимов** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Ахборот" информацион дастурлар бош муҳарририятининг мухбир-репортёри — Мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари тўғрисидаги ва маънавий-маърифий йўналишдаги кўрсатувлари учун

**2-ўрин:**

**Зилола Худойқулова** — Ўзбекистон ЭОАВМА "Истиқлол" телевидениеси бош муҳаррири (Бухоро вилояти) — "Мозийдан садо" мавзуидаги туркум кўрсатувлари учун

**3-ўрин:**

**Марат Таймуратов** — Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти бош муҳаррири — "Жипек жолы", "Янги аср магистрали" туркум кўрсатувлари учун

***Рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари:***

1. **Худойназар Дўстқобилов** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканали “Маданий-маърифий, бадиий эшиттиришлар” муҳарририяти бош муҳаррири — “Келажагимиз гарови” ва “Миллий университет: кеча ва бугун” кўп қисмли радиофильмлари учун

2. **Бекпўлат Тоғаев** — Ўзбекистон ЭОАВМА “Жиззах” телевидениеси бош муҳаррири — Миллий ҳунармандчилик ва миллий қадриятлар ҳақидаги туркум кўрсатувлари учун

***4. Тасвирий санъат асарлари бўйича:***

**1-ўрин:**

**Муҳаммад Амин (Мамадаминов Алмурот)** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА фотомухбири — Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётида эришилган ютуқларни акс эттирувчи фотосуратлари учун

**2-ўрин:**

**Жолдасбек Куттимуротов** — ҳайкалтарош (Қорақалпоғистон Республикаси) — “Ён, ёнавер, юлдузим менинг”, “Орол Мадоннаси” ва “Чинорим менинг” асарлари учун

**3-ўрин:**

**Аҳлиддин Холиқов** — Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий ойина” ижодий уюшмасининг Андижон вилояти бўлими дизайнери — вилоятдаги маънавий-маърифий соҳада эришилган ютуқларни тарғиб этишга ва Ёшлар йилига бағишланган дизайн ишлари учун

***Рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари:***

1. **Суннатилла Сулаймонов** — Ўзбекистон Пазандалар ассоциацияси бош мутахассиси-дизайнери — “Моҳир пазанда”, “Шифобахш салатлар”, “Лаззатбахш хамирли таомлар”, “Шоҳона таомлар” ҳамда “Пишириқлар ва тортлар” китобларига ишлаган бадиий безаклари учун

2. **Абдуҳаким Каримов** — миниатюрачи рассом — Алишер Навоий, Амир Темур, Заҳириддин Бобур ва Мирзо Улуғбек сиймоларини яратган миниатюра асарлари учун

***5. Кино санъати асарлари бўйича:***

**1-ўрин:**

**Нажмиддин Ғуломов** — “Ўзбекфильм” киностудияси кинооператори — “18-квадрат” фильмидаги операторлик иши учун

**2-ўрин:**

**Ильмира Раҳимжонова** — киноактриса — “Забаржад” ва “Ойдиной” фильмларидаги роллари учун

**3-ўрин:**

**Улуғбек Қодиров** — киноактёр — “Паноҳ”, “Ошиқлар” ва “Севгинатор” бадиий фильмларида яратган замондошлар образлари учун

***Рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари:***

1. **Мансур Абдуҳолиқов** — кинорежиссёр — “Робия” ва “Жаҳолат чангалида” фильмлари учун

2. **Лизахоним Ахимбетова** — “Қорақалпоқфильм” киностудияси режиссёри — “Ипак йўли”, “Менинг байроғим” ва “Спорт маликаси” ҳужжатли фильмларидаги режиссёрлик иши учун

# ЎЗИНГДАН АЙЛАНАЙ, ХАЛҚИМ, ЎЗИНГДАН!




***Юртимиз мустақил, осойишталигимиз мустаҳкам. Байроғимиз энг юксак чўққиларда-да мағрур ҳилпирамоқда, мадҳиямиз баралла янграмоқда. Элимизни дунё тан олди! Довруғингдан айланай, элим!***

**Халқимиз меҳнаткаш, меҳмондўст, дўстларга ҳамиша бағри очиқ. Ўзбек хонадони борки, ўчоғи бор. Ҳовлилари дангиллама, гулзорлари гулга тўла.** Ўчоқда қозон, тагида олов гуркираб ёнади. Қозонда овқат биқирлаб қайнайди. Девзира оши, бўрсилдоқ нонию қайноқ кўк чойи дастурхони кўрки, зийнати.

**Ўчоғингдан айланай ўзим, қозонингдан айланай ўзим!**

**Тандирсиз уй уйми ўзбекда?! Бобою момолардан мерос — бу тандир. Тандир ўзи лойдан яралган, оддий лойдан.** Тавбаки, шу лойда ажиб бир куч бор, сеҳр бор. Тандир тўла олов ёнади, ловуллаб ёнади... Аста-оҳиста узилган нонлар айлана саватни тўлдиради. Кулча нонлар, қаймоқ патирлар ҳиди димоққа хуш ёқади. Нонимиз бутун, кўнгиллар тўқ.

Тандирингдан айланай ўзим, тўкин-сочин рўзғорингдан айланай ўзим!

Ўзбекнинг остонаси тиллодан. Ўғиллари-қизлари кўп, серфарзанд. Саломлари, қуллуқлари бисёр. Фаришталар ҳамиша уйларда меҳмон. Соқоллари ўзига ярашиқли боболар, оқ рўмолли момолар дуолари фарзандларга ҳамиша ҳамроҳ. Уларнинг ниятлари-да пок, тилаклари-да пок: "Тинчлик бўлсин, тўйлар бўлсин!"

**Ғурур**

Тўйлар-да, тантаналар-да, бисёр. Қозонлар тўла сумалак. Қадим Ҳайит, Қадим Наврўз, Истиқлол айёми — энг улуғ, энг азиз шодиёналар шу элники!

Борлигингдан айланай ўзим, байрамингдан айланай!

Она тупроқ — азиз тупроқ. У — борлигимиз, бойлигимиз. Уни ардоқлаймиз, кўзга тўтиё айлаймиз. Ахир, бу тупроқда Соҳибқирон ётибди, шоҳ Бобур, Увайсий, Нодира, Қодирийлар макон топган тупроқ, бу. Улар битган шеъру ғазаллар тилларда достон. Шундай тарихларга бой, таърифларга бой, бу тупроқ.

Тарихингдан айланай ўзим, таърифингдан айланай ўзим!

Элимнинг ўз дўпписи бор, тўнларига ярашган белбоғи бор. Мақтангудек атласию адраси бор! Пилласи, пахтаси мўл, хирмонлари сербарака. Қовунлари тилими тилни ёради. Қанду асал меваси бор, кураши, полвонлари бор. Алпкелбат ўғлонлари қудратини жаҳон аҳли яхши билади.

Фахру ғуруримдан айланай ўзим!

Юртим осойишта. Мардлар эса чегарада ҳар дам ҳушёр. Кексаларнинг уйқуси хотиржам, умри роҳату фароғатда ўтаяпти. Улар дуосидан элнинг иқболи баланд, юрт гуллабяшнаётир, дилларда суруру тилларда шукрона.

**Абдураҳим БОЗОРБОЕВ,**
**Марҳамат тумани.**

## АСРЛАР ЛИБОСЛАРДА АКС ЭТАР

**Бир неча йилдан буён Самарқанддаги «Эл мероси» миллий либослар театри халқимизнинг кўп асрлик тарихи, бой маданияти ва анъаналари, ранг-баранг либосларини акс эттирувчи дастурлари билан кўп сонли мухлисларни хушнуд этиб келмоқда.**

**Фестиваль**

Театр жамоасининг ўзига хос ва жўшқин томошалари нафақат Ўзбекистондаги, балки хорижий мамлакатлардаги санъат шинавандаларининг ҳам эътиборини қозона олди.

Яқинда «Эл мероси» театри Италия фольклор иттифоқининг таклифига кўра Авиано шаҳридаги анъанавий Авиано-Пианкавалло 40 — халқаро фольклор фестивалида иштирок этди.

Тадбирда, шунингдек, Болгария, Хитой, Колумбия, Македония, Португалия, Россия ва Италиянинг қатор фольклор жамоалари қатнашди.

Юртдошларимиз фестивалнинг илк куниданоқ барчанинг эътиборини жалб этиб, миллий услубда яратилган хилма-хил ва ранго-ранг либослар, халқимизнинг кўп асрлик анъаналарини ифода этувчи миллий рақс ва томошалар билан мухлисларнинг самимий олқишларига сазовор бўлишди.

Италия — Ўзбекистон савдо палатаси президенти Луиджи Иперти «Эл мероси» театри чиқишларидан олган ўз таассуротлари билан ўртоқлашиб, ўзбекистонлик санъаткорлар нафақат томошабинлар, балки фестивалнинг барча иштирокчилари қалбини ром этганини таъкидлади. «Менимча, театр дастурини Италиянинг йирик шаҳарлари бўйлаб намойиш этишни ташкил қилишимиз лозим. У катта муваффақият қозонишига шубҳам йўқ», деди Л.Иперти.

Италиянинг «Федерико Анжелика» фольклор рақс гуруҳи раҳбари Микеля Гаспаретто ҳам ўзбекистонлик санъаткорларнинг маҳоратини юксак баҳолади. «Эл мероси»нинг фестивалдаги иштироки шаҳримиз маданий ҳаётидаги энг ёрқин воқеалардан бири бўлди», дея таъкидлади М.Гаспаретто.

**«Жаҳон» АА.**

# ЭКОФЕСТИВАЛЛАР МАРАФОНИ ЯКУНЛАНДИ

***Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек боғида экофестиваль бўлиб ўтди. У мамлакатимизда Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб июль-август ойларида "Мустақиллик, экология ва аҳоли саломатлиги" шиори остида ўтказилган экофестиваллар марафонининг якуний босқичи бўлди.***

Марафон "Экосан" экология ва саломатлик халқаро ташкилоти томонидан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва жойлардаги ҳокимият органлари билан ҳамкорликда ўтказилди. Экофестиваллар республикамизнинг барча вилоят марказлари ва кўплаб туманларида бўлиб ўтди. Бундан кўзланган мақсад истиқлол йилларида барқарор ривожланиш, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш борасида мамлакатимиз эришган ютуқларни тарғиб қилиш, Ўзбекистонда амалга оширилаётган инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар мазмун-моҳиятини тушунтириш, шунингдек, жамоатчиликни долзарб ижтимоий-экологик вазифаларни ҳал этишга жалб қилишдан иборатдир.

Экофестивалнинг очилиш маросимида мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан рўёбга чиқарилаётган ислоҳотлар доирасида экологик вазиятни яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлашга доир катта ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Шу билан бирга, сув ва ер ресурсларини бошқариш, саноат ва маиший чиқиндиларни қайта ишлаш, биохилма-хилликни сақлаш билан боғлиқ муаммолар ҳам изчил ҳал этилмоқда. Барқарор экологик ривожланиш бўйича ҳуқуқий база шакллантирилди. Мамлакатимиз ушбу соҳадаги барча асосий халқаро конвенцияларга қўшилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари А.Рустамов, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Ғ.Алиев, "Экосан" ташкилоти раиси Ю.Шодиметов ва бошқалар шу ҳақда гапирди.

**Тадбир**

Амалга оширилган ушбу режали ишлар натижасида аҳолини, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисини сув ва газ билан таъминлаш анча яхшиланди. Атроф-муҳитга зарарли моддалар чиқарилиши камайди. Корхоналарда экологик хавфсиз технологияларни жорий этиш, саноат ва маиший чиқиндилар тўпланишини камайтириш ва улардан фойдаланиш борасида амалий чоралар кўрилмоқда. 2006-2010 йилларга мўлжалланган табиатни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий ҳаракат дастурларини амалга ошириш давомида 5,7 минг гектардан ортиқ ер қайта тикланди ва мелиоратив ҳолати яхшиланди, узунлиги 3,7 минг километрдан ортиқ сув қувурлари тармоғи қурилди ва реконструкция қилинди, 19,6 минг автотранспорт воситаси газ ва дизель ёнилғисига ўтказилди. Катта-катта майдонларда янги ўрмонзорлар барпо этилмоқди. Оролбўйи муаммоси ҳам босқичма-босқич ҳал этилмоқда. Бу ишларда жамоат бирлашмалари фаол иштирок этмоқда. Мамлакатимизда ҳар йили Экология ва саломатлик кунлари, экологик ҳашарлар ўтказиб келинмоқда.

Бу борадаги табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари комплекс равишда амалга оширилмоқда. Буни экофестивалда ташкил этилган кўргазма ҳам яққол тасдиқлайди. Унда саноат, қишлоқ хўжалиги ва энергетика соҳасида фаолият кўрсатаётган 40 дан зиёд идора, йирик компания, илмий ва ишлаб чиқариш ташкилотлари иштирок этди. Кўргазмада уларнинг атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш соҳасидаги ютуқлари, шунингдек, ушбу технологиялар асосида ишлаб чиқарилган саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари намойиш этилди.

Рассомларнинг "Инсон ва табиат" мавзуидаги ишлари экспозицияси ва Тошкент Болалар бадиий ижодиёти маркази тарбияланувчилари томонидан тайёрланган турли буюмлар, расмлар экофестивалга ташриф буюрган пойтахт аҳолиси ва меҳмонларида катта қизиқиш уйғотди.

Экофестиваль ўзбек эстрадаси таниқли артистларининг концерти билан якунланди.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Спорт • Sport • Спорт

# ОНА-ВАТАНИМИЗ ШОНУ ШУҲРАТИ

## ЖАҲОН УЗРА МАҒРУР КЕЗМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугун биз шуни ишонч билан айта оламизки, ўзбек спортчилари ҳам тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида ўз олдиларига қўйган мақсадларига қайсидир маънода эриша олдилар. Мана, сарҳисоб қиладиган пайт ҳам етиб келди.

Хабарингиз бор, Олимпиада ўйинларида 58 нафар вакилимиз 15 та спорт тури бўйича қатнашиб, **1 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза (жами 6 та)** медаль билан норасмий умумжамоа ҳисобида 204 та мамлакат спортчилари ичида 40-ўриндан жой олишди. Олимпиада ўйинларида эркин курашдан 1 та олтин, 1 та кумуш, дзюдодан 1 та кумуш ва 1 та бронза, спорт гимнастикаси (брусда машқ бажариш) 1 та бронза ҳамда трамплин (батутда сакраш) 1 та бронза медаллари қўлга киритилди.



Энди келинг, ўзининг ажойиб ғалабалари билан Ўзбекистон довруғини дунёга таратган спортчиларимизни яна бир бор эсга олайлик. Барчамизга олам-олам қувонч бағишлаган олтин медални эркин кураш бўйича жаҳон ва олимпиада чемпиони **Артур Таймазов** (120 кг.) қўлга киритди. Артур финалгача бўлган баҳсларда Али Исаев (Озарбойжон), Дисней Родригес (Куба), Давид Мусулбес (Словакия) каби дунёнинг номдор полвонлари курагини ерга теккизди. Финалда эса россиялик Бахтиёр Аҳмедовни муддатидан олдин мағлубиятга учратишга муваффақ бўлди. Хуллас, Артур Таймазов — икки карра Олимпиада ўйинлари чемпиони. Яна бир эркин курашчимиз **Сослан Тигиев** (74 кг.) Олимпиада ўйинларининг кумуш медали билан тақдирланди.

Юртимизнинг энг иқтидорли эркин курашчиларидан ҳисобланган Сослан руминиялик Георгита Стэфан, грециялик Эмзариос Бентинидис, беларуслик Мурод Гайдаровларни мағлубиятга учратди. Финалда ҳамюртимизга россиялик икки карра Олимпиада ўйинлари чемпиони Бувайсар Сайтиев рақиб бўлди. Қизиқарли ўтган беллашувнинг биринчи бўлимини полвонимиз ғалаба билан якунлади. Аммо қолган икки бўлимда барибир тажриба ўз сўзини айтди. Россиялик курашчи кичик устунлик билан зафар қучди.

Ўзбекистон терма жамоаси хазинасига иккинчи кумуш медални дзюдочи полвонимиз **Абдулла Тангриев** (+100 кг.) туҳфа этди. Ўзбекистоннинг энг кучли дзюдочиларидан ҳисобланган Абдулла Тангриев ярим финалгача бўлган йўлда германиялик жаҳон кубоги соҳиби Андрес Толзер, польшалик Януш Войнарович ва франциялик жаҳон чемпиони Тедди Риннерларни мағлубиятга учратди. Ярим финалда эса Куба мамлакати полвони Оскар Брайсонни енгди ва шу тарзда ҳозирги кунда ўз вазнида жаҳоннинг энг кучли дзюдочиларидан бири эканлигини амалда исбот этди.

Шунингдек, **Ришод Собиров** (дзюдо), **Екатерина Хилько** (трамплин, батутда сакраш), **Антон Фокин** (спорт гимнастикаси, брусда машқ бажариш)ларнинг бронза медаллари қанчалик ирода ва маҳорат билан қўлга киритилгани ўз-ўзидан аён. Албатта, уларнинг ғалабалари миллионлаб ўзбекистонликларни руҳлантириб юборганлиги аниқ. Қолаверса, спортга эндигина ошно тутинаётган минг-минглаб ёшларимиз улар сингари оламшумул ютуқларга эришишни олдига мақсад қилиб, машғулотларга қатнай бошласа, ажабмас.

Янада юқори натижалар қўлга киритилиши мумкин эди. Каноэда (1000 метр) эшкак эшиш баҳсларида юртдошимиз Вадим Меньков маррага тўртинчи ўринда етиб келди. У 750 метр масофагача биринчи ўринда келаётган эди. Вадим сўнгги дақиқалардагина тажрибали рақибларини олдинга ўтказиб юборди. Эндигина йигирма бир ёшга кирган спортчимиздан кейинги олимпиадаларда яхши натижалар кутсак арзийди. Шунингдек, Акмал Эргашев (таэквондо), Мансур Чашимов (оғир атлетика), Мирали Шарипов (дзюдо), Элшод Расулов (бокс)лар медалларни қўлга киритишга жуда яқин туришганди. Уларда ҳам ҳал қилувчи беллашувларда бироз тажриба етишмади.

Афсуски, Олимпиада ўйинларида айрим спорт турлари бўйича кутилган натижаларга эришилмади. Айниқса, сузиш, енгил атлетика, ўқ отиш турлари бўйича қатнашган спортчиларимиз қуйи ўринларда қолиб кетишди. Шунингдек, боксчиларимиз биринчи бор Олимпиада ўйинларидан медалсиз қайтишди.

Демак, юқоридаги спорт турларига масъул бўлган кишилар жиддий муҳокама қилса арзийдиган муаммолар бор. Энди дунё спорт аҳли янги Олимпиада цикли — "Лондон — 2012"га қизғин ҳозирлик кўришни бошлайди. Пировардида, бор эътиборимизни камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, навбатдаги мусобақаларда яхши натижаларни қўлга киритишга қаратишимиз зарур.

Олимпиада ўйинлари якуни ҳақида ҳали мутахассислар ўзларининг фикрларини билдиришади, ҳар бир спорт тури бўйича эришилган натижалар жиддий элакдан ўтказилади. Шундай бўлса-да, эришилган натижани қониқарли, деса бўлади. Ахир Олимпиадада иштирок этган жаҳондаги 204 та мамлакат спортчилари орасида 40-ўринни эгаллашнинг ўзи бўлмайди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**

Спорт • Sport • Спорт




UCelldan sovrinli poyga!

u cell

**G'alabang – o'z qo'lingda!**

Kompaniyaning pullik xizmatlaridan yanada ko'proq foydalanib, UCell taqdim etayotgan qimmatli sovg'a va sovrinlarga ega bo'lish imkoniyatini qo'lga kirit !

**1 ta super yutuq** – uy kinoteatri.

**100 ta sovrin** – DVD- pleyerlar, 3G xizmatini qo'llab turuvchi mobil telefonlari, LCD- televizorlari, videokameralar, kommunikatorlar hamda noutbuklar.

Bundan tashqari aksiyaning faol ishtirokchilari uchun **55 000 ta sovg'a.**

Xizmatlar litsenziyaga ega
(Litsenziya AA №0002348, O'zAAA tomonidan berilgan)
Batafsil ma'lumotlarni sotuv joylaridan, www.ucell.uz saytidan va ushbu telefon raqamlari orqali olish mumkin: 8123 (faqat UCell abonentlari uchun), (+998 93) 180-0000, 181-0000, 182-0000
O'zbekiston Respublikasi hududida "UCell" xizmatlari "COSCOM" MChJ XK tomonidan taqdim etiladi.
Aksiya 01.08.2008 dan 31.08.2008 gacha davom etadi.

**KO'PROQ SO'ZLASHIB, KO'PROQ IMKONIYATGA EGA BO'L!**
YANADA KO'PROG'INI KUTING

12776/248

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Адабиёт жамғармаси уюшма раиси Абдулла Ориповга акаси
**Абдухалил ОРИПОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги жамоаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Мўътабар Содиқовага опаси
**МУКАРРАМХОН аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Тиббиёт академияси 3-клиника жамоаси клиниканинг лор бўлими бошлиғи Улуғбек Муродович Эргашевга онаси
**ОҚИЛА аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 26734 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6 7